

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАСИМОВА РАЪНО РАХМАТУЛЛОЕВНА

**ЎЗБЕК ТҶЙ ВА МОТАМ МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ
МАТНЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА
ЭТНОГРАФИЗМЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҶЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological sciences**

Касимова Раъно Рахматуллоевна

Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча
таржимасида этнографизмларнинг берилиши 3

Касимова Раъно Рахматуллоевна

Этнографизмы в английском переводе текстов фольклора узбекских
свадебных и траурных обрядов 23

Kasimova Rano Rakhmatulloevna

Description of ethnographisms in English translations of folklore texts on
Uzbek wedding and lament ceremonies 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАСИМОВА РАЪНО РАХМАТУЛЛОЕВНА

**ЎЗБЕК ТҒЙ ВА МОТАМ МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ
МАТНЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИДА
ЭТНОГРАФИЗМЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БҒЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Fil153 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ўраева Дармон Саидахмедовна филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Сафаров Шаҳриёр Сафарович филология фанлари доктори, профессор Турдимов Шомирза Ғаниевич филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25- уй. Тел.: (99871) 233-45-21

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____даги _____-рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор.

Р.А.Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

Г.Х.Боқиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таржимашунослигида ҳар бир халқнинг оғзаки бадиий ижоди умумжаҳон цивилизациясида нечоғлик ўринга эга эканлигини аниқлашга қизиқиш ва эътибор ниҳоятда кучайиб бормоқда. Ўзбек фольклори намуналари ҳам бу жиҳатдан хорижий мамлакатларда ўрганиш учун таржима қилинмоқда ва нашр этилмоқда. Сўнгги йилларда маънавий кадриятлар тизимида алоҳида ўринга эга бўлган маросим фольклори матнларига оид илмий тадқиқотлар кўлами фольклоршунослик, таржимашунослик, чоғиштира тилшунослик ва қиёсий адабиётшунослик, маданиятшунослик, социология соҳаларида янада ортиб бормоқда.

Замонавий дунё таржимашунослигида маросим фольклори матнларини нашрга тайёрлаш, уларни таржима қилиш ва поэтикаси масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ тилида оғзаки яратилган, локал хусусиятли, миллий менталитет билан чамбарчас боғлиқ миллий-маданий матнларни хорижий тилларга ўгириш, аслият маъно-мазмунини таржимада қайта яратиш, адекват таржимага эришиш мураккаб жараён бўлиб, унинг ўзига хос тамойилларини ва усулларини аниқлаш, таркибида этнографизмларнинг берилишини ҳамда улар орқали миллийликнинг акс эттирилишини ўрганиш заруриятга айланган.

Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг янги даврида хорижий тилларни ўқитишга, жаҳон ҳамжамияти билан бевосита мулоқотга кириша оладиган, жаҳон адабиёти контекстида ўзбек адабиётини тадқиқ ва бевосита таржима қила оладиган малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда мазкур соҳадаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқиш эҳтиёжи ортмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ ижтимоий соҳада, жумладан, илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларида илмий-амалий изланишлар кўламини кенгайтириш учун қатор қўшимча имкониятлар яратилгани халқимизнинг урф-одат ва расм-русумларини, анъанавий эътиқодий тушунчаларини ифодаловчи этнографик бирликлар (этнографизмлар)га хос лексик-семантик, синтактик-стилистик хусусиятларни, реалия ва лакуна, диалектизмлар билан яқин ҳамда фарқли жиҳатларини очиб беришни, уларни таржимада беришнинг эквивалентлик ва турли трансформациялардан фойдаланиш каби йўллари аниқлашни, бу муаммоларга оптимал йўл ва ечим топишни долзарб вазифага айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. – Халқ сўзи. – 2017 йил, 8 февраль. – №28 (6722).

Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқ ҳаёти билан боғлиқ урф-одат, маросим ва расм-русумлар талқини ақс этган адабий матнлар, этнографик лексик бирликлар, яъни этнографизмлар турли миллат олимлари томонидан бирмунча ўрганилган².

Ўзбек тилшунослигида лексик этнографизмлар тадқиқига бағишланган тадқиқотларда ўзбек тили қатламидаги у ёки бу шева таркибидаги этнографик лексикани ажратиб олиб, унинг генезиси, тарихий тараққиёт туфайли юз берган лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилган³. Ўзбек адабиётшунослигида эса илк бор адабий этнографизмлар хусусида тўхтанилган⁴.

Ўзбек фольклоршунослигида маросим фольклори, унинг мавзуий турлари, генезиси, жанрий таркиби, бадиияти масаласи бирмунча жиддий тадқиқ қилинган⁵.

Ўзбек маросим фольклори намуналарига муносабат Ҳ.Вамбери, М.Питерсен, Марк ва Грета Слобин, Ҳ.Б.Паксой, М.Диккенс, Р.Абазов, Д.Кандиёти, М.Лоу, С.Фидокор⁶ сингари хорижлик олимлар тадқиқотларида ва бошқа манбаларда кузатилади.

²Далгат У.Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – С.54; Эртнер Е.Н. Поэтика «очеркового этнографизма» в романе А.М.Федорова «Степь сказалась» // Литература русского Зарубежья. Ч.4. – Тюмень, 1998. – С.15-24; Эртнер Е.Н. «Поэтический этнографизм» в русском романе конца XIX века // Язык и литература (электронный журнал) / Тюменский ГУ. Вып.4. (в сайте: www.utmn.ru); Фокеев А.Л. Этнографическое направление в русском литературном процессе XIX века: Автореф. дисс. ... док-ра. филол. наук. – М.,2004. – 25 с.; Очур Т.Х. Этнопоэтическое своеобразие прозы С.Сарыг-оола: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Улан-Удэ, 2008. – С.13.

³Мирзаев Н. Этнографическая лексика узбекского языка (на материалах узбекских говоров Кашкадарьинской области): Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Т., 1991. – 26 с.; Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси: Филол. фан. ном. дисс. ... автореф. – Т., 1997. – 26 б.; Журабоев А. Названия свадебных церемонии в узбекском языке (на материалах узбекской группы говоров): Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Т.,1971. – 25 с.; Хусаинова З.Ономасиологическое исследование название свадебных обрядов в узб.языке (на материалах бухарских группы говоров): Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Т.,1984. – 24 с.

⁴Ҳамдамова С.Х. Фольклор аънаналари ва бадиий талқин: таъсир ҳамда ақс таъсир масалалари: Филол. фан. ном.... дисс. автореф. – Т., 2012. – 27 б.

⁵Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Т.: Фан, 1974. – 222 б.; Саримсоков Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – 216 б.; Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: Фан, 2008.– 290 б.; Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 1998. – 110 б.; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – 120 б.

⁶Vambery A. Sketches of Central Asia. Philadelphia: J. B. Lippincott & Co. Wm. H. Allen & Co., 13, Waterloo Place, Pall Mall, London. 1868. – 444 p.; Petersen M. A Treasury of Uzbek Legends and Lore. – Т.: Qatortol-Kamolot, 2000. – 180 p.; www.google.ru Viktor M. Beliaev, Central Asian Music, trans. Mark and Greta. Slobin (Middletown: Wesleyan University Press, 1975)258-59.; Paksoy H.B. «Alpamysh» Central Asian Identity under Russian Rule. USA, AACAR,

Ўзбек таржимашунослигида Ғ.Саломов, Н.Комилов, Қ.Мусаев, М.Холбеков, М.Бақоева, О.Мўминов, Н.Қамбаров, И.Ғафуров⁷ сингари олимларнинг таржима назарияси ва амалиёти, таржиманинг лексик, грамматик, фразеологик муаммолари, таржима танқиди, таржимашунослик ютуқлари ва истиқболи, шеъринг таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари хусусидаги тадқиқотлари эътиборга молик. Шунингдек, Ш.Рўзиев, Р.Ғайзуллаева, Й.Нурмуродов, З.Жуманиёзовларнинг тадқиқотларида⁸ ўзбек фольклори намуналаридан дoston, эртақ ва латифаларнинг немисча, Ҳ.Юсупова ва У.Йўлдошев⁹ диссертацияларида инглизча, М.Жўраева ҳамда Р.Ширинованинг¹⁰ докторлик ишларида эса французча таржималарида миллийликни, миллий реалияларни қайта яратиш, миллий колоритни ифодалаш тамойиллари, уларга хос лингвокультурологик ёки лингвостилистик хусусиятлар махсус ўрганилгани билан диққатни тортади. Бироқ ўзбек маросим фольклори намуналари ҳам хорижий тилларга ўгирилган бўлса-да, амалга оширилган бу таржималарнинг хусусиятлари, савияси, уларда этнографик лексиканинг ва бадиий-этнографик матнларнинг таржимасига алоқадор муаммолар шу пайтгача яхлит ҳолда махсус ва жиддий ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университетининг «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ равишда амалга оширилган.

1989. – 683 p.; www.google.ru Uzbek Music by Mark Dickens; Abazov R. Culture and Customs of the Central Asian Republics. – London: Greenwood Press. Westport, Connecticut. 2007. – 325 p.; Kandiyoti D. and Azimova N. The communal and the sacred: women's worlds of ritual in Uzbekistan // The Journal of the Royal Anthropological Institute. Royal Anthropological Institute of Great Britain and Ireland, 2004. – Vol.10, No.2. – pp. 327-349.; Louw M.E. Everyday Islam in Post-Soviet Central Asia. – USA.: Routledge, 2007. – 208 p.; www.millifolklor.com The Lament Tradition Among The Uzbeks

⁷Саломов Ғ. Тил ва таржима (бадиий таржиманинг умумфилологик ва баъзи лингвистик масалалари). – Т.: Фан, 1966. – 385 б.; Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари: (Поэзия ва таржима). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 224 б.; Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1961. – 159 б.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – 352 б.; Холбеков М. Таржимашунослик ва таржима танқиди. Мақолалар тўплами. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2015. – 112 б.; Бақоева М. Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеъринг таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. – Т.: Фан, 2015. – 288 б.; G'ofurov I., Mo'minov O., Qambarov N. Tarjima nazariyasi: Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. – Toshkent: «Tafakkur Bo'stoni», 2012. – 280 б.

⁸Рўзиев Ш. К вопросу узбекско-немецких литературных связей: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1974. – 30 с.; Ғайзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1972. – 225 с.; Нурмуродов Й. История изучения и проблемы научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ИЯЛ АНРУз, 1983. – 192 с.; Жуманиёзов З. «Равшан» дostonи немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2008. – 25 б.;

⁹Юсупова Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида): Филол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2011. – 26 б.; Йўлдошев У. Ҳажвий матнлар таржимасининг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари (инглиз тилига таржима қилинган ўзбек халқ латифалари мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – 42 б.;

¹⁰Жўраева М. Француз ва ўзбек эртақларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Т.: Академия ноширлик маркази, 2017. – 87 б.; Ширинова Р. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши: Филол. фан. док-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 56 б.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқининг оилавий-маиший турмуш тарзи билан боғлиқ тўй ва мотам маросимлари фольклорининг табиати, ижтимоий-ахлоқий моҳияти, халқ оғзаки ижоди матнларининг инглиз тилига ўгирилиши, бунда этнографизмларнинг берилишини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«этнографизм» термини моҳиятини ёритиш ва унинг қўлланиш чегарасини кўрсатиш;

этнографизмларни таржимада бериш муаммоларини аниқлаб, уларга ечим излаш;

лакуналарнинг этнографизмлар билан боғлиқ томонларини очиб бериш;

ўзбек тўй ва мотам (аза) маросимлари фольклорининг инглизча таржималарида этнографизмларнинг ифодаланишини ўрганиш орқали миллийликнинг акс этиши ва сақланишини аниқлаш;

ўзбек миллий таомлари ҳамда кийим-кечаклари, турли маросим атрибутлари номини ифодаловчи этнографизмларнинг инглизча таржимада акс эттирилишини кузатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тўй ва мотам маросимлари фольклори намуналарининг инглиз тилига қилинган бевосита ва билвосита таржима матнлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек тўй ва мотам маросимлари фольклори намуналарининг инглизча таржималарида этнографизмларнинг берилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-типологик, тавсифий-миқдорий, контекстуал ва компонент таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ўзбек тўй ва мотам маросимлари фольклори намуналарининг хориж шарқшунослари томонидан инглиз тилига ўгирилишига асос бўлган ижтимоий-психологик, меҳмондўстлик, болажонлик, саховатпешалик, оилапарварлик омиллари исботланган;

этнографизмларнинг тилшуносликда лексик бирлик, адабиётшуносликда эса образли восита сифатида намоён бўлиши асосланган;

ўзбек тўй ва мотам маросимлари фольклорининг инглизча ўғирмалари асосида этнографизмларнинг талқинига, таржимасига ва тавсифига хос лисоний, семантик ва услубий хусусиятлар далилланган;

ўзбек тўй ва мотам маросимларига алоқадор этнографизмларнинг халқ ўйинлари, удумлар номи, миллий матолар, қариндош-уруғларга мурожаат шакллари каби турлари таснифланган;

ўзбек миллий таомлари ва кийим-кечаклари, турли маросим атрибутлари номини ифодаловчи этнографизмларнинг инглизча таржимада тасвирий, трансформацион, калька, муқобилини топиш усуллари орқали акс эттирилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбек маросим фольклори, хусусан, тўй ва мотам маросими кўшиқларининг аслиятдан таржима қилиниши билан боғлиқ муаммоларни қиёсий аспектда ўрганиш ва ечимларини аниқлаш орқали чиқарилган хулосалар қиёсий адабиётшунослик,

Ўзбек фольклоршунослиги, чоғиштира тилшунослик, таржимашунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради, унга доир дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилади;

оммавий ахборот воситаларида миллий кадрларимизнинг хорижлик олимлар томонидан инглиз тилига ўгирилишини кенг тарғиб ва ташвиқ қилишда манба вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ўзбек тўй ва мотам маросимлари фольклорининг инглизча таржималарида этнографизмларнинг қўлланилиши ишончли манбалар асосида жаҳон таржимашунослигининг энг янги илмий концепциялари ва назарий қарашлари асосида қиёсий ўрганиш натижасида аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек маросим фольклори намуналарининг таржимасини қиёсий ўрганишда, аслият ва таржима орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлашда, таржима жараёнида этнографизмларнинг берилишини талқин этиш йўли ва имкониятларини белгилашда, тўлақонли таржима қилиш учун замин яратишда, таржимашунослик истиқболни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таржимашунослик, халқ оғзаки бадиий ижоди, қиёсий адабиётшунослик, жаҳон халқлари адабиёти ва фольклори бўйича дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, курс ва битирув-малакавий ишларини ёзишда, магистрлик, докторлик диссертацияларини тайёрлашда, махсус курслар ўтишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тўй ва мотам маросимлари фольклори этнографизмларининг хусусиятларини очиб бериш, этнографизмларни аслиятдан таржима қилиш муаммоларини бартараф этиш юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ўзбек маросим фольклорининг хорижий мамлакатларда ўрганилиши, унинг инглиз тилига таржима қилиниши, фольклор асарларида рақамлар моҳияти, этнографизмларнинг таснифи, уларнинг морфологик ўзгаришлари, ўзбек этнографик лексикасининг лингво-тарихий жиҳатдан қатламларга ажратилишига доир хулоса ва тавсиялар Бухоро давлат университети ўқув жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ОўМТВнинг 2017 йил 22 ноябрдаги 89-03-2885-сон маълумотномаси). Натижада «Таржима назарияси ва амалиёти», «Ўзбек фольклори», «Адабий-бадиий таҳлил методлари», «Қиёсий адабиётшунослик» ва «Қиёсий тилшунослик» фанларини такомиллаштириш ҳамда ўқитиш самарадорлигини оширишига хизмат қилган;

жаҳон тилшунослигидаги илғор тадқиқ методлари, чоғиштира тилшунослик, таржимашуносликка оид атамалар изоҳи, ўзбек тўй ва мотам маросимлари фольклорининг ўзбекча-инглизча этнографизмлари муқобилликда ифодаланишига хос хусусиятларни аниқлаш каби хулосалардан ОТ-Ф8-057 «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни

мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 18 октябрдаги ФТА-02-11/906-сон маълумотномаси). Натижада этнографизмларни тавсифлашнинг муаммолари аниқланиб, унинг методологик асослари бўйича, метод ва принципларини шакллантириш ечимларини ўрганишга хизмат қилган;

ўзбек маросим фольклорининг, хусусан, тўй ва мотам маросимлари фольклорининг инглизча таржимасида этнографизмлар ифодаланишига хос хусусиятларга оид илмий натижалардан Ф-1-06 «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарку Фарб адабий анъаналари синтези» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2017 йил 17 ноябрдаги ФТА-02-11/1102-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши асосида ўзбек тўй ва мотам маросими кўшиқларининг аслиятдан таржима қилиниши билан боғлиқ муаммолар қиёсий аспектда ўрганилиб, таржимон маҳоратини аниқлашга хизмат қилган;

ўзбек халқининг оилавий-маиший, мавсумий маросимлари ва миллий урф-одатларнинг бутун башариятни уйғунликка, ободликка етакловчи қадрият эканлиги, уларнинг инглизча таржималари билан боғлиқ фикр-мулоҳазалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Бухоро», «Диёр янгиликлари» туркум кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 27 октябрдаги 1/271-сон маълумотномаси, 2018 йил 7 февралдаги 1/58-сон хати). Натижада миллий қадриятларимизнинг бир қатор хорижлик этнограф олимлар томонидан инглиз тилига таржима қилингани, ўзбек фольклорига бўлган катта қизиқишни намоён этиши каби хулосалари телетомошабинларнинг ушбу масалалар юзасидан маълумотларга эга бўлишига асос бўлган.

Ишнинг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 та илмий мақола халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг

амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Этнографизм» тушунчаси ва уни таржимада бериш муаммолари**» деб номланиб, «этнографизм» термини моҳияти ва қўлланилиши, лақналарга хос хусусиятлар ҳамда уларнинг ўрганилиши, этнографизмларни таржимада бериш йўллари ёритилган.

Тадқиқотларда «этнографизм» терминининг турлича: адабий этнографизм, бадий-этнографик контекст, адабиётдаги этнографик йўналиш, этнографик проза, поэтик (шеърӣ) этнографизм, бадий этнографизм, этнографик лексика, этномаданий лексика, этнографик диалектизм сингари турлари тилга олинади. Бироқ бу атамаларни М.С.Янгелова каби синоним деб қараш у қадар тўғри бўлмайди. Негаки, бу атамалар моҳиятан халқ моддий ва маънавий, маданий ҳаёти билан боғлиқ ҳодисаларга нисбатан ишлатилса-да, бир-биридан буни қандай тарзда, қай усулда ва қанча миқдорда ифодалаб келишига кўра фарқланишини инкор этиш қийин. Этнографик лексикани: а) моддий-маданий терминлар гуруҳи; б) маънавий-маданий терминлар гуруҳи кўринишида иккита лексик-семантик гуруҳга ажратиш мумкин.

Этнографизмлар объектив реалликдаги муайян воқеа-ҳодисани номлаш баробарида унга нисбатан модал муносабатни, яъни «тўй» – хурсандчилик, тўкин-сочинлик, ўйин-кулги, шодмонлик ҳолатларини, «мотам» – қайғу-ғам тушунчасини ифодалайди. Этнографизмлар кўпинча бир маъно уядошлиги, масалан, тўй этнографизми келин, куёв, никоҳ, чимилдиқ, совчилик асосида бирикиб келади. Этнографизмларнинг бундай уядошлик ҳосил қилиши таржима тилида ҳам (*wedding, bride, groom, nikoh, chimildiq, sovchilik*) кузатилади.

Этнографизмлар табиатида синонимия, уядошлик, антонимия, омонимия, паронимия, вариация ва дублетлилик ҳодисалари ҳам намоён бўлади. Лекин синоним (ўзаро маънодош) этнографизмлар бир-биридан маъно оттенкасига кўра фарқланади. Масалан, *бешиккерти, қулоқ тишлатар, этак йиртиши* каби этнографизмлар бир синонимик уяга мансуб бўлса-да, улар ташкил қилиниши ва ўтказилиши, хатти-ҳаракатларининг турличалиги билан фарқланади. Қолаверса, бу этнографизмлардан «бешиккерти» жумласи умумий нутқда кенг учрайди. Бошқалари эса сўзлашув нутқида хосланган. Синонимия ҳодисаси билан вариантдошлик ҳодисасини ўзаро қориштириб юбормаслик керак. Айтайлик, бешиккерти, қулоқ тишлатар, этак йиртиш каби этнографизмлар совчилик сўзининг вариантлари. Лекин бу синоним этнографизмлар ва этнографизм вариантлари ўзбек тилида алоҳида-алоҳида ўрин тутади. Улар китобий, нейтрал, сўзлашув, оддий услубга хослиги билан ажралиб туради.

Бир тилдаги этнографизм таржима тилига ўгирилгач, ўз хусусиятини ўзгартириши мумкин. Масалан, «тўй» этнографизми ўзбек тилида омонимик хусусиятга эга лексик бирлик саналади. Тўй от сўз туркуми жихатидан ўрганилса, фаолият-жараён оти сифатида маросим номини атаб келади. Агар феъл сўз туркуми нуқтаи назаридан қаралса, «тўймоқ» ҳаракат феълини ифодалайди. Лекин «*тўй*» сўзи инглизчага «*wedding*» сўзи орқали таржима

қилинар экан, бу инглизча сўз омонимик хусусиятга эга эмаслиги боис таржима натижасида «*тўй*» сўзига хос омонимлик хусусияти сақланмайди.

Этнографизмлар ҳам семантик, ҳам функционал-услубий, ҳам синтактик хусусиятларга эга. Этнографизмлар лексик бирлик сифатида терминлик касб этади. Шунинг учун уларнинг миқдорини аниқлашга, салмоғини белгилашга тўғри келади. Натижада уларнинг луғатини яратиш учун асос вужудга келади.

Лексик бирлик сифатида намоён бўлувчи этнографизмларга хос асосий хусусиятлар яна қуйидагилардан иборат. Улар: 1) тилда тайёр ҳолда учрайди; 2) нисбий мантикий тугаллик касб этади; 3) морфологик ва синтактик хусусиятларга эга, яъни қўшимчалар қабул қила олади, гап бўлаги бўлиб келади; 4) бошқа сўзлар билан синонимлик, омонимлик, антонимлик, паронимлик ҳосил қилиши мумкин.

Ўзбек этнографик лексикаси лингво-тарихий жиҳатдан умумтуркий (*тўй, ош, ўмоч, сандиқ, чимилдиқ*), арабий (*фотиҳа, суннат, гассол, майит*) ва форс-тожикча (*дастурхон, кайвони, мурдашўй*) қатламга бўлинади.

Сўз бирикмаларининг компонентлари маъно мустақиллиги ва бирикиш даражасига кўра эркин ва турғун бирикмаларга бўлинади. Масалан, *нон ёнди, юз очди, бешик тўйи, арқон тортиши* кабилар эркин бирикма шаклидаги этнографизмлар бўлиб, улардан *нон ёнди, юз очди* тўй этнографизмлари гап шаклида эканлиги билан, *бешик тўйи, арқон тортиши* тўй этнографизмлари эса сўз бирикмаси кўринишидалиги билан ажралиб туради. Бундан этнографизмлар сўз, сўз бирикмаси, гап кўринишида учраши англашилади.

Фразеологизм шаклидаги этнографизмлар ҳам бор. Бунга *эшик очар* этнографизмини мисол қилиш мумкин, чунки бунда эшик очиш тушунчаси яхлитлигича кўчма маънони англатади. У орқали совчилик удумининг бошланғич вазияти атаб келинади.

«Лакуна» термини ва тушунчаси бугунги кунда қиёсий-типологик тилшуносликда, маданиятлараро мулоқотда марказий ўринлардан бирини эгаллагани боис, уларнинг кенг қамровли маъно-мазмунга эга эканлиги тўғрисидаги ғоя ва фикрлар юзага келмоқда. Г.Быкованинг ёзишича, «денотатив тизимли турли тиллардаги тўлиқсиз эквивалентликлар натижасида, яъни қиёсланаётган тилларнинг бирида мавжуд ном ва ҳодисаларнинг иккинчисида йўқлиги натижасида лакуна ҳодисаси юзага келади»¹¹. Ю.А.Сорокин: «Ҳозирги пайтда лакунология ва таржимашуносликнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунга қарамасдан, уларнинг биринчисидан таржимашунослик муаммоларини ечишда самарали импульслар кутиш керак»¹²,— дейди.

Замонавий тилшуносликда лакуналарга доир бир-биридан фарқ қилувчи турли тадқиқотлар бор бўлса-да, барибир у ҳақда ҳалигача ягона нуқтаи назар мавжуд эмас. Бироқ мазкур ҳодиса ҳақида таржима назарияси ва чет тилларни ўрганиш борасидаги тадқиқотларда эътиборли фикрлар илгари

¹¹Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – 275 с.; Быкова Г.В., Пылаева О.Б. Словарь «несуществующих слов»: фантастика или реальность? // Лакуны в языке и речи / Сб. научн. тр. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 20 - 27.

¹²Сорокин Ю.А. Лакуны: еще один ракурс рассмотрения // Лакуны в языке и речи / Сб. научн. тр. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 6.

сурилган. Таржима назариясига «тасодифий лакуна» атамасини Л.С.Бархударов киритган. У лакуналарни бир тил луғат бирлиги бўлган сўзнинг айрим сабабларга кўра иккинчи тил луғат таркибида (сўз ёки турғун бирикмалар шаклида) йўқлигидир, дея тушунтиради¹³. А.В.Фёдоров ҳиссиётларни, ғам ва қайғуни ифодаловчи сўзларнинг таржима эквиваленти йўқлиги сабабли таржима қилиниши қийинлигини, шунинг учун улар жуда камдан-кам ҳолларда таржима қилинишини билдириб ўтади¹⁴. Лакуна атамаси А.Д.Швейцернинг тадқиқотида ҳам учрайди. У таржимада семантик эквивалентлик даражаси нуқтаи назаридан юзага келадиган ўзгаришлар ҳақида тўхталар экан, лакуналарга алоҳида эътибор қаратади. Муаллиф лакуна тушунчасини лексик birlikлар ва грамматик шакллар тизимига киритади. «Агар грамматик лакуналар таржима жараёнида тез-тез структур ўзгаришларга олиб келса, лексик лакуналар лексик-семантик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бир тилнинг лексик тизимида у ёки бу сўзнинг мавжуд эмаслиги таржима учун тўсиқ бўлолмайди», – деб ёзади муаллиф¹⁵.

Лакуналар тил ва маданият ўртасидаги ҳодиса сифатида икки катта гуруҳга бўлинади: лингвистик лакуналар ва коммуникация натижасида юзага келадиган культурологик лакуналар¹⁶.

Ю.С.Степанов, Л.Хун ва Л.Темэйлар тиллараро лакуналарни абсолют ва нисбий лакуналарга ажратишади. «Абсолют лакуналар тилнинг таржима луғатларини яратишда сўзнинг бошқа тилда сўз кўринишидаги эквиваленти йўқлигида билинади»¹⁷, деб таъкидлашади.

Солиштирилаётган тилларнинг бирида ўзга халқ маданиятида мавжуд бўлмаган предметлар, ҳодисалар, жараёнларнинг номланишига кўра тиллараро лакуналар «асосланган лакуна»ларга ҳам ажратилади. «Асосланмаган лакуна»лар жамиятда мавжуд предмет, ҳодиса, жараённинг халқ томонидан бир сўз билан номланмаганини билдиради.

Культурологик лакуналар этнографик, ақлий, миллий-психологик, хулқ-атвор, кинесик (жест ва мимика), эмотив (ассоциатив) ва ҳ.к. турларга ажратилади. Г.В.Быкованинг фикрича, исталган тилдаги кўп сўзлар маданий-эмоционал ассоциациялар билан ўралган. Бундай сўзларнинг мос келмаслиги таржима матнида эмотив (ассоциатив) лакуналарни келтириб чиқаради. Таржимада шунингдек, ҳар бир халқнинг онгида англашиладиган ўзигагина хос бўлган сифатлар, характер-хусусияти, ташқи кўриниш, мурожаат шакллари, миллий фольклор элементлари, эпос, адабий қаҳрамонлар билан боғлиқ номлар ҳам ассоциатив лакуналар ҳисобланади¹⁸. Маданиятлараро фарқлар, номутаносибликлар культурологик лакуналар сифатида намоён бўлади. Битта нарсага икки хил реакция билдирилиши, яъни

¹³Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Международные отношения, 1975. – С. 95.

¹⁴Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы). – Изд. 4-е.– М.:Филология три, 1983.- С.135.

¹⁵Швейцер А.Д. Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты. – М.:Наука, 1988.– 104 с.

¹⁶ЧжипинХ. Национальная специфика ассоциативной лакунарности в межкультурном взаимодействии (на материале русского и китайского языков): Дисс. ... канд. филол.наук. – Благовещенск, 2016. – С.20.

¹⁷Лю Хун, Лю Темэй. Выявление лакун при изучении русского языка в китайской аудитории // Лакуны в языке и речи. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С.110.

¹⁸Быкова Г.В. Лакунарность как категория лексической системологии.– Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. – С. 70.

ассоциацияланиши культурологик лакуналарнинг бир тури ҳисобланмиш ассоциатив лакуналарни келтириб чиқаради.

Умуман олганда, «ассоциатив лакуналар» «этнографизмлар» терминига яқин. Бироқ тадқиқ этаётганимиз этнографизмлар ассоциатив лакуналарга нисбатан кенгроқ тушунча эканлиги намоён бўлди. Культурологик лакуналар Х.Чжипин тадқиқотига асосан, олти турга бўлинган бўлса, тадқиқотимизда этнографизмларнинг ўн олтидан ортиқ мавзуий йўналиши таснифланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек оилавий-маиший маросимларига алоқадор этнографизмларнинг инглизча таржимада ифодаланиши**» деб номланган бўлиб, мазкур бобда Ҳ.Вамбери, М.Питерсен, Марк ва Грета Слобин, Ҳ.Б.Паксой, М.Диккенс, М.Лоу, Р.Абазов, Д.Кандиёти ва Н.Азимова, С.Фидокор каби хорижлик олимларнинг манбаларига таяниб, ўзбек тўй ва мотам маросимлари матнларининг инглизча таржималарида миллийликнинг акс этиши ва халқ эътиқодий қарашларининг сақланиши тадқиқ қилинган.

Оилавий-маиший маросимлар бевосита оила ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, уларда оила аъзоларидан бирор кишининг туғилиши, камолотининг маълум босқичи ёки вафоти махсус қайд этилади. Шунга кўра, оилавий-маиший маросимлар икки қатга гуруҳга бўлинади: а) тўй маросимлари; б) мотам маросимлари. Ўзбек тўй маросими, ўз навбатида, бешик тўйи, хатна (суннат) тўйи ҳамда никоҳ тўйи сингари турларга бўлинади.

Ўзбек халқ бешик тўйи маросими ҳақидаги этнографик матнлар таржимасида «*osh*», «*dasturkhon*», «*tandir*», «*sarpo*», «*alla*», «*muljar*», «*fatir*», «*muhamas*»¹⁹ сингари этнографизмлар транслитерация воситасида сақлаб қолингани ҳамда изоҳ бериш орқали маъноси очиб берилгани кузатилди. Аммо Қ.Мусаев айтганидек, ушбу усулдан барча мушкуллий ҳолатларда фойдаланиб бўлмайди²⁰. «*Tandir*» этнографизмини транслитерация қилмасдан инглиз тили луғатларида берилган «*tandoor*» кўринишида бериш мақсадга мувофиқ бўларди. Айрим ҳолларда масалан, «*бешик тўйи*» – «*the cradle celebration*» деб калькалаш йўли орқали ифодаланганки, бу усул ўзини оқламаган ва маросим моҳиятини тўлиқ ёритиб бера олмаган. Инглизча луғатда «*cradle – a small bed for a baby that you can rock*»²¹ дея изоҳланиб, ўзбек тилига таржима қилинганда болани тебратиб ўтирадиган кичкина ётиш мосламаси (ёки кровать) маъносини беради. *Бешик – чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун тол ёки тут ёғочидан ясалган йўрға оёқли махсус мослама*²² ўзбек китобхонига тушунарли, бироқ «*cradle*» сўзининг кровать маъноси ҳам борки, хорижликлар тасаввурида болага бешик эмас, кровать келтирилади, деган тушунча ҳосил қилади. Ваҳоланки, бешик ва кровать бошқа-бошқа предметлардир. Кровать ўзбек тилининг изоҳли луғатида «*каравот – тўрт оёқли, устига кўрпа-тўшак солиб ётиладиган уй-рўзгор*

¹⁹Petersen M. Кўрсатилган манба. – Б. 120.

²⁰Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б.110.

²¹www.PearsonLongman Academic e-Tutor Longman Advanced American Dictionary

²²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 246.

анжомии»²³ деб изоҳланган. Кўриниб турибдики, болага мўлжалланган бешик исталган оила аъзосига аталган каравотдан тузилишига кўра фарқ қилади ва айнан ўзбек миллатига хослиги сабаб этнографизм саналади. Зеро, Ш.Сафаров таъкидлаганидек, «ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият ҳудудида, маданий муҳитда шаклланади ва фаоллашади. Шундай экан, инсоннинг тафаккур ва лисоний фаолияти жараёнида юзага келадиган бирликларнинг структуравий ва мазмуний сатҳларида маданий элементларнинг акс топиши табиийдир»²⁴.

Этнографизмлар таржимада морфологик ўзгаришларга учраган. Масалан: тўй этнографизми инглиз тилида бирлик сонда ноаниқ артикл билан «*a to`y*» тарзида, кўплик сонда «*tois*» кўринишида ифодаланган. Л.С.Бархударов фикрига таянган ҳолда, мазкур мисолни фонемага асосланган таржима дейиш мумкин, чунки таржимон ўзбек тили фонемаларига мос келадиган инглиз тили фонемаларини танлашга ҳаракат қилган. Бироқ ушбу этнографизм инглиз тили луғат таркибига кириб бориши баробарида ўзбек тилидаги кўплик ясовчи кўшимча *-лар* га мос тушадиган инглиз тилидаги *-s* кўплик ясовчи кўшимчани қабул қилгани морфема даражасидаги таржимага ҳам мисол бўла олади.

Ўзбекона суннат тўйлари ҳақида инглиз тилига таржима қилинган материаллар жуда камлигига гувоҳ бўлдик. Энг кўп никоҳ тўйи ҳақидаги материаллар таржима қилинганлиги аёнлашди. «Совчилик», «Унаштириш», «Оқлик», «Фотиҳа тўй», «Ҳинобандон», «Қизлар базми», «Ўлан кечаси», «Келин салом», «Куёв салом», «Келин ўтирсин», «Куёв ўтирсин» каби никоҳ тўйи босқичларини ташкил этувчи удумларимиз, одатда, халқимиз томонидан яратилган муайян бир кўшиқ билан ҳамоҳангликда ўтади. Хорижлик олимлар томонидан ушбу маросимлар ҳақидаги этнографик маълумотлар келтирилганда, улар билан боғлиқ кўшиқлар ҳам инглиз тилига ўгирилган.

Таржима матнларида битта этнографизм турли синонимлари («совчилар» – «*intermediaries*», «*matchmakers*»²⁵) орқали ифодаланган. Этнографизмлар аксарият ҳолларда транслитерация усулидан фойдаланиб таржима қилинган ва изоҳ берилган. Масалан, «келин» сўзи «*bride*» эквивалент танлаш орқали таржима қилинган ва «*kelin in fact literally means in some*» деб изоҳланган. Мазкур ҳолатда П.Ньюмарк таъкидлаганидек, мутаржимнинг икки ёки ундан ортиқ таржима усулини қўшиб ишлатгани²⁶ аёнлашади.

«Қалин» этнографизми эса транскрипция қилиниб, «*kalym*», «*kalim*» кўринишида берилган ҳамда «*the payment of kalym (brideprice)*»²⁷, «...*kalim*

²³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Б. 318.

²⁴Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.65.

²⁵Louw M.E. *Everyday Islam in Post-Soviet Central Asia*. – USA.: Routledge, 2007. – pp. 75.

²⁶Newmark P. *A Textbook of Translation*. – Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – P.91.

²⁷Kandiyoti D and Azimova N. *The communal and the sacred: women's worlds of ritual in Uzbekistan // The Journal of the Royal Anthropological Institute. Royal Anthropological Institute of Great Britain and Ireland, 2004. –Vol.10, No.2. – pp.328.*

(marriage portion) which the man is ready or able to give for his future wife»²⁸ тарзида қалин пули тўлаш, яъни келин учун бериладиган пул дея изоҳланган. Р.Абазов²⁹ нинг таржималарида «қалин» этнографизми турмушга чиқаётган қизнинг ота-онаси томонидан куёвга бериладиган маълум миқдордаги пул ёки мулкни англатувчи «dowry» сўзи билан чалкаштириб таржима қилинган.

Ўзбекистон флорасида учрайдиган «ялпиз», «райҳон», «майса», «хина», «ўсма» сингари ўсимликлар ҳам таржима матнларида баъзан транслитерация қилинган, баъзан чалкаштирилиб, бири ўрнида иккинчиси қўлланилган.

Халқ мухаммаси жанрига мансуб кўшиқлардан бирининг инглизча таржимасида «бистар» сўзи учун инглизча «the marriage bed» сўз бирикмаси изоҳ бўлак сифатида ёнма-ён келтирилган. Натижада улар шеър матни таркибида бири иккинчиси учун синтактик жиҳатдан ажратилган изоҳ бўлак кўринишини олган. Демак, этнографизмлар таржимаси мураккаб ишлигини инобатга олиб, таржима ишида бундай имкониятдан фойдаланиш мумкин.

Let us make *a bistar*, the marriage bed.

In this place, on the day they are wed³⁰.

Шеърый таржималарда мутаржимларнинг бир санъат воситаси ўрнида иккинчи бир санъат воситасини қўллагани аёнлашди. «Зулфи Зарафшонин қаранг» кўшиғининг асл матнида қизларнинг зулфи, яъни юзига тушиб турадиган бир қисм сочи Зарафшон дарёсига қиёсланган бўлса, М.Питерсеннинг таржимасида шу қиёслаш ўрнини жонлантириш санъати эгаллаган. Яна таржима натижасида мисралар сўнгидаги кофиядош сўзлар мисра бошига кўчиб, анафорани ҳосил қилган.

Аслиятда:

Зулфи Зарафшонин қаранг,

Жўйи Мўлиённи қаранг

Таржимада:

Look at the winding Zarafshan,

Look at the river Muliyon.³¹

М.Питерсен томонидан инглиз тилига ўтирилган «Боғлардаги бир гул бўлинг, келинчак» тўй олқишлари шеърый таржимасининг ўзбек тилидаги вариантида мисралар сўнгида такрор келаётган радифлар таржима тилида эпифорага айланган ҳамда ўзбек тилидаги эркалатиш, кичрайтиришни англатувчи *-пошша*, *-чак* кўшимчасини олган «келинпошша», «келинчак», этнографизмлари инглиз тилига «pretty bride», «little bride» бирикмаси билан ифодаланган. Кимхоб, беқасам каби миллий матолар таржимада тушириб қолдирилиб, ушбу этнографизмлар, «беқасам тўн» – «a new robe (янги тўн)», «чимилдиғи кимхобдир» – «the chimildik in the corner towers (бурчакда чимилдик қад кўтариб турибди)» тарзида эркин таржима қилинган.

«Ёр-ёр» тўй кўшиқларининг инглизча таржималарида мисралар сўнгида «ёр-ёр» такрори тушириб қолдирилган. Яна уларда такрорланиб келадиган «от бўлдим деб ёр-ёр» ва «ёт бўлдим деб ёр-ёр» мисраларининг кейинги қисми инглиз тилида «A horse I have become» ва «A stranger I've become»³²

²⁸Vambery A. Sketches of Central Asia. Philadelphia: J. B. Lippincott & Co. Wm. H. Allen & Co., 13, Waterloo Place, Pall Mall, London. 1868. –pp.98.

²⁹Abazov R. Кўрсатилган манба. – Б. 225.

³⁰Petersen M. Кўрсатилган манба. – Б.107.


³¹Ўша жойда:200.

³²Petersen M. Кўрсатилган манба. – Б.117.

Масалан, «армон» сўзи «my biggest hunger» деб таржима қилиниши инглиз китобхонига тушунарли, чунки «hunger» сўзининг маъноси «армон» сўзининг маъносига яқин бўлгани сабабли уларни таржимада бир-бирига алмаштириш мумкин. Таржимон «Оқ фотиҳа бермоқ», яъни яхши тилак, бахт тиламоқ иборасини бироз нотўғри тушунган ва уни Куръоннинг «Фотиҳа» сурасидан «дуо ўқимоқ» деб, янглиш таржима қилган. Бунда «фотиҳа» сўзининг омонимлигига эътибор берилмаган.

Олима М. Каримова мотам маросимларида ғассоллар иштироки ҳақида маълумот берар экан, таржимада бу этнографизмни транслитерация воситасида сақлаб, инглиз тилида унга алоҳида изоҳ берган: «*g`assols – the washers of the dead*». Шунингдек, ғассолларнинг турли ҳудудларда турлича, яъни «*g`assol or pokchi*», «*yuvuvchi*» (*washer*), «*murdasha*», or «*poshshuy*»³⁸ деб номланиши ҳақидаги далиллар этнографизмларнинг дублетлигига мисол бўла олади.

